Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг 2020 йил “___”
майдаги
_____-сон қарорига илова

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ КОТИБИЯТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 1.5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

- “1.5 МСК Котибияти – Котибият раҳбари, МСК Раисининг Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси (бундан буён матнда Раис маслаҳатчиси деб юритилади), Ўқув маркази, бўлимлар ва Раҳбарият ҳузуридаги котиблардан иборат. МСК Котибияти бўлимларига бўлим бошлиқлари, Ўқув марказига директор раҳбарлик қилади”.

2. 1.9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

- “1.9 МСК Котибияти жами 38 та штат бирлигидан иборат бўлиб, Котибият раҳбари, Раис маслаҳатчиси, таркибий тузилма бошлиқлари (директори) ва уларнинг ўринбосарлари, бош консультант, етакчи консультант, етакчи мутахассис, кичик мутахассис ва котиблардан иборатдир”.

3. 4.4-бандниг биринчи хатбошисидаги “ва етакчи мутахассислар” деган сўзлар “, етакчи мутахассис, кичик мутахассис ва котиблар” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Қуйидаги мазмундаги 5, 5.1, 5.2 ва 5.3-бандлар билан тўлдирилсин:

- “5. Ўзбекистон Республикаси МСК Раисининг Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчисининг функционал вазифалари.

5.1 Қуйидагилар Раис маслаҳатчисининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

- Ўзбекистон Республикаси МСКда, шунингдек, мамлакатнинг сайлов тизимида маънавий-маърифий соҳага ва давлат тилига оид қонун ҳужжатлари ҳамда дастурлари ва “йўл хариталари”нинг ижросини таъминлашда иштирок этиш;

- маънавий-маърифий соҳага ва давлат тилига оид қонун ҳужжатларига риоя этилишини, маънавий-маърифий тадбирлар ва МСК ходимлари фаолиятида давлат тилидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги ишларни танқидий ўрганиш, бу борада аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;

- давлат тилига оид қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш бўйича жамоатчилик назоратининг самарали шаклларини жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишида иштирок этиш;

- ходимларга давлат тилини чуқур ўрганишида ёрдам бериш ҳамда давлат тилини кенг тарғиб қилиш ва ривожлантириш, шунингдек, “Ўзбек тили байрами куни”ни нишонлаш бўйича маданий-маърифий ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

- тизимда давлат тилини ривожлантиришга оид ўқув ишларга раҳбарлик қилиш, илмий асосланган сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш, сайловга оид замонавий атамаларнинг ўзбекона муқобилларини яратиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- МСК Раисининг маънавий-маърифий соҳани ва давлат тилини ривожлантиришга қаратилган фармойишлари ижросини назорат қилиш;

- МСК муассислигида таъсис этилган оммавий ахборот воситалари, интернетдаги веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ва каналларини мунтазам кузатиб бориш, уларда давлат тилини тарғиб қилиш, ўрганиш ва қўллашга доир материалларнинг эълон қилинишини ташкил этиш;

- МСКда давлат тилида иш юритиш тартибини ишлаб чиқиш ва унга риоя этилишини назорат қилиш;

- МСКда давлат тили соҳасидаги устувор вазифаларни бажаришга қаратилган дастур ва чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда ижросини таъминлаш;

- МСКда давлат тилида иш юритишни ташкил этиш ва олиб бориш бўйича услубий қўлланма, тавсия ва эслатмаларни тилшунос олимлар, малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда тайёрлаш;

- МСКда иш юритиш ҳужжатларини лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич ўтказиш чораларини кўриш;

- МСК биносида ўрнатилган барча ташқи ёзувлар, шу жумладан, пешлавҳалар ва эълонлар, кўргазмали бошқа ахборот матнларининг давлат тилида бўлишини таъминлаш;

- МСК сайти, телеграм канали, оммавий ахборот воситалари, бошқа сайтлар, хусусан, “til.gov.uz” сайтида ҳамда ижтимоий тармоқларнинг белгиланган канал ва гуруҳларида давлат тилига бағишланган материаллар бериб бориш, шунингдек, давлат тилига доир ёритилган материалларни таҳлил қилиш ҳамда ўз муносабатини билдириш;

- МСКда “**Ўзбек тили байрами куни**” байрамини кенг нишонлаш бўйича маданий-маърифий ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

- МСКнинг қарорлари, фармойишлари, сайловчилар, ташкилотлар ва идоралар билан ёзишмалари, МСК Раисининг ва масъул ходимларининг нутқ ва маърузалари матнининг давлат тили талабларига мослигини назорат қилиш.

5.2 МСКнинг қарорлари, дастурлари ҳамда МСК Раисининг Фармойишлари ва топшириқларига асосан Раис маслаҳатчисининг зиммасига унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа вазифа ва мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

5.3 Раис маслаҳатчиси ўз фаолиятида бевосита МСКнинг Раисига бўйсунади.